
“Тадбиркор - ислоҳатчи” ва Тадбиркорликни қўллаб қувватлаш устувор вазифа

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2020 йил 5-6 июнь кунлари Фарғона вилоятига ташрифи давомида “**Фарғонанинг тадбиркори - Фарғонанинг ислоҳотчиси**” ғояси асосида тадбиркорлик субъектларига кенг имкониятлар яратишни таъкидлаган. “**Тадбиркор - ислоҳатчи**” ғояси кенг тарғиб этиш мақсадида, туманимизда амалга оширилаётган изчил ислохотлар кичик бизнес, айниқса хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу янги иш ўринлари яратиш ва халқни фаровонлигини юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятига юзага келаётган муаммоларнинг аксарияти қуйдаги соҳаларга тўғри келмоқда:

-41.6 % бўш турган бино-иншоотларни “нол” қийматида олиш, аукцион савдоларида иштирок этиш, ер ажратилиши:

-32.2 % банк-молия, кредит, гаров таъминоти:

-10.6 % хом ашё ресурсларинисотиб олиш, биржа савдоларида иштирок этиш:

-4.3 % коммуникация тизимига уланиш, архитектура ва кадастр ҳужжатларини расмийлаштириш:

-2.7 % қонунбузарлик, мансаб вазифасини суистемол қилиш, таниш-билишчилик, тамагирлик ва коррупция:

-1.6% рухсатнома ва лицензиялар, ноқонуний аралашув:

-7.1% бошқа муаммолар.

Юқоридагиларн инobatга олиб, Бешариқ тумани Молия бўлими ходимлари томонидан Тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир этаётган мавжуд муаммоларни бартараф этиш уларнинг сабабларини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этилди.

Ишчи гуруҳ томонидан 2020 йилнинг июл ойида 5 та тадбиркорлик субъектлари (ООО BEGZODJON FIRDAVIS МЧЖ, ООО А`ZAMJON GULMATOV SAVDO МЧЖ, ABDUXOSHM ABDUQAYUM FAYZI ОК, ООО ХОН ЕКСПОРТ, ЯТТ Умаров Шерали Шарифович) фаолиятига салбий таъсир этаётган мавжуд муаммолар бўйича ишчи гуруҳ томонидан ўрганиш ўтказилди.

Ишчи гуруҳ томонидан ўтказилган ўрганишда тадбиркорлик субъектлари фаолиятига салбий таъсир этаётган муаммолар аниқланмади. Бундан ташқари тадбиркорлар билан суҳбат жараёнида бугунги кунда уларга яратиб берилаётган имтиёзлар ва тадбиркорлик тўғрисидаги янги қабул қилинган қонун ва қарорлар тўғрисида тушунчалар берилиб, келгусида фаолиятига таъсир кўрсатадиган муаммолар юзага келган холда туман Молия бўлимининг Оилавий тадбиркорлик ривожлантириш бўлига мурожаат қилишлари тушунтриб ўтилди.

Бешариқ тумани Молия бўлими мудир:

Ш.Гулматов

ривожлантириш шўъбаси бўлими мудири: И.Дехқонов

2020-08-05 16:37:45